O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

Ушбу сонда:
2 Ер фермерники, табиат олами-чи?
3 Ерга эгалик ҳисси
4 Оила фаровонлиги кафолати
Оқловчи – адолатни ёқловчи

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 20 (527) 2007 йил 22 май сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ҳомийлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланади.

Ҳомийлик субъектининг ўз ҳомийлик мақсадларини ва амалга ошириш шаклларини танлаш эркинлигини чеклашга йўл қўйилмайди.

«ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 13-МОДДА

Ҳозирги пайтда дунёнинг 130 мамлакатида йод етишмаслиги касаллиги (ЙЕК) соғлиқни сақлашнинг муҳим муаммоларидан саналади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (БССТ) маълумотига кўра, ер юзи аҳолисининг учдан бир қисмидан ортиқроғи йод етишмаслиги касалликлари келиб чиқиши хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда истиқомат қилмоқда. Шу билан бирга, бу касаллик билан оғриганлар сони 740 миллион нафардан ортиқ. 50 миллион кишида эса, йод етишмаслигидан келиб чиққан ақлий ривожланишнинг пастлиги ҳолати кузатилади.

Qonunning mohiyati

Йод етишмаслиги касаллиги

унинг профилактикасини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси

Дарҳақиқат, йод етишмаслиги ақлий ривожланишнинг пастлигини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири. Қолаверса, йод етишмаслиги оқибатида иммунитет сусаяди, шунга кўра, юқумли касалликларга дучор бўлиш хавфи ортади, умумий ҳолсизлик кузатилади, кўриш билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Йодланган туз билан таъминлаш орқали аҳоли соғлиғини асрашнинг кафолатланган йўли чакана савдо, истеъмол учун ишлаб чиқариш ва иложи борича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йодланган туз билан таъминлашдир. Бу концепция ҳозирда БССТ ва ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

2001 йили МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари Кенгаши йиғилишида "МДҲ иштирокчи давлатлари аҳолиси орасидаги йод етишмаслиги ҳолатининг олдини олиш тўғрисида"ги шартнома имзоланган. Мазкур шартнома ЙЕКнинг олдини олишда ҳамкорликдаги ишларни тартибга солиш ва йодланган туз ишлаб чиқаришга қаратилгандир.

2007 йил 4 майда Ўзбекистон Республикасининг **"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"**ги Қонунининг матбуотда эълон қилиниши мамлакатимиз аҳолиси соғлиғини сақлаш, интеллектуал хавфсизлигини таъминлашда муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг **"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"**ги Қонуни йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадини кўзлайди, йод етишмаслиги касалликларининг юзага келишидан огоҳлантириш, уларнинг олдини олиш, профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш механизмларини тартибга солади.

Қонунда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши, касалликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар, йодланган тузга ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар батафсил ёритилган. Унда хусусан, бу соҳадаги давлат сиёсати, давлат бошқаруви органларининг ваколатлари, шу билан бирга, касаллик профилактикаси турлари, оммавий ва якка тартибдаги профилактика, аҳолини бу соҳага доир ахборот билан таъминлаш, профилактикага доир тадбирларни молиялаштириш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлигига доир талаблар, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш шартлари белгилаб қўйилган.

Йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларни профилактика қилиш мақсадида барча тузларни йодлаштириш талаб этилади. Кейинги йилларда мамлакатимизда тузларни кенг миқёсда йодлаштириш қайта бошлангани ва унинг сифати ошганини таъкидлаш лозим.

Тузни йодлаштириш технологияси содда ва қулайлиги боис, туз ишлаб чиқарувчи барча корхоналар учун бу иш жуда арзон тушади. Бинобарин, корхоналар ҳозирги кунда йодланган ош тузини оддий туз қатори катта миқдорда ишлаб чиқармоқда. Истеъмолчилар учун бундай профилактиканинг нархи ҳар қандай тиббий йод дори-дармонларига қараганда анча арзон, бунинг харажати йилига 30-80 сўмдан ошмайди. Шунинг учун, тузни йодлаштириш йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликлар профилактикасида универсал ва кам харажатли усул ҳисобланиб, аҳоли соғлиғини, турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, мазкур қонуннинг "Ижтимоий ҳимоя йили"да қабул қилингани алоҳида диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан истиқлолнинг илк йиллариданоқ мазкур турдаги касалликларнинг олдини олиш ва бундай касалликка чалинган беморларни даволаш бўйича кенг миқёсда чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда 2005 йилда йод етишмаслиги касалликларидан огоҳлантириш ва уларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар режасини ўзида мужассамлаштирган 4 йилга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилинди. Жойларда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидаги туз конларида туз ишлаб чиқарувчи корхоналар модернизация қилинди. Эндемик зоб касаллигига чалиниш ҳолатлари маълум миқдорда камайди, йодланган ош тузи сифати устидан мониторинг, йод етишмаслиги касалликларининг индивидуал профилактикаси бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қонуннинг 5-моддасига биноан, **йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади. Қонуннинг 10-моддасига кўра, инсон организмининг йодга бўлган зарурий эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслиги касалликларининг оммавий ва якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилади.**

Оммавий профилактика озиқ-овқатга йодланган туз ишлатиш ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш орқали, якка тартибдаги профилактика эса профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари, тиббий кўриклар ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш орқали бажарилади.

Қонуннинг 15-моддасига биноан, **Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган ош тузи, албатта, йодланиши керак.** Шунингдек, қонуннинг 20-моддасида **йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ҳамда нормаларга риоя этган ҳолда амалга оширишлари шарт,** деб белгиланган. Қонунга мувофиқ, сертификати бўлмаган ва яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ҳамда йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш тақиқланади.

Маълумки, янги минг йилликда давлатларнинг, халқларнинг келажагини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик белгилайди. Шундай экан, бундай салоҳиятнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш, аҳолининг ақлий ривожланиши сусайиши хавфини бартараф этиш, таъбир жоиз бўлса, интеллектуал хавфсизлигимизни муҳофаза қилишда **"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"**ги Қонун муҳим қадам бўлди.

Дилшод КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари

Юксалаётган юрт жамоли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида 17-18 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.



Бугун республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар дастлабки самарасини бермоқда. Кунда-кунора бирон-бир вилоят ёки туманда янги ишлаб чиқариш корхонаси ёки цехи ишга туширилгани ҳақидаги хабарни эшитамиз. Янги бунёд этилаётган коллежу мактаблар, даволаш муассасалари, замонавий меъморий ечимга эга бўлган савдо ва маъмурий бинолар, равон йўлларни кўрганда кўз қувнайди. Бундан руҳланган халқимиз ўз келажагига ишонган ҳолда муносиб турмуш тарзига эришиш йўлида фидойи меҳнат қилмоқда. Янги қуриб ишга туширилаётган ўнлаб саноат корхоналарида минглаб ёшлар шижоат билан ишламоқда. Ўз келажагини меҳнат қилаётган корхонаси тақдири билан боғлаган ёш авлоднинг кўтаринки кайфияти, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончи ислоҳотларнинг энг катта самараси, дейиш мумкин. Сўнгги русумдаги замонавий техника воситалари билан жиҳозланган корхоналар экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Гигант корхоналар қуриш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Қишлоқда мулкдорларнинг фермер, деб аталаётган янги қатлами шакилланди. Фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолмай, етиштирган ҳомашёни қайта ишлаб, бежирим қадоқланган тайёр маҳсулот сифатида хорижга сотиш чораларини кўришмоқда. Бу билан ҳам тадбиркорнинг манфаатдорлиги ортмоқда, ҳам элдошларимиз турғун ва даромадли иш ўрнига эга бўлишмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар марказида турган фаол юртдошларимиз ҳар қадамда Президентимизнинг ғамхўрлиги ва хайриҳоҳлигини ҳис қилиб туришибди. Тадбиркорлик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган Фармону қарорлар, улар асосида берилаётган катта имтиёз ва енгилликлар, солиқ юкининг йилдан-йилга камайтириб борилаётгани муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимизнинг жойларда бўлиб, иқтисодий ислоҳотлар бориши билан яқиндан танишиб, ўз таклиф ва тавсияларини бериши, кўпни кўрган, тажрибали элдошларимиз билан маслаҳатлашиб, ечимини кутаётган муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилиши ҳар доим катта ишларнинг бошланишига туртки бўлиб келган. Президентимизнинг 17-18 май кунлари жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида Оролбўйи минтақаси – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташрифи ана шундай улуғ бошламаларга, катта ўзгаришларга янгича суръат бахш этиб, минтақа одамларининг руҳини кўтарди.

ҲАР БИР КУНИ ҚАҲРАМОНЛИК

Давлатимиз раҳбарининг ер ҳақиқий эгасини топиши керак, деган тамойили бугун ўз амалий тасдиғини топмоқда. Қишлоқ хўжалиги фойдаланувидаги ер майдонлари ишнинг кўзини биладиган, суяги меҳнатда қотган фидойи қишлоқ заҳматкашлари ихтиёрига берилди. Фермерлик ҳаракатининг зарур ҳуқуқий асослари яратилди. Президентимизнинг доимий эътиборига жавобан мамлакатимиз фермерлари юксак натижаларга эришиб келишмоқда.

Қорақалпоғистонда ҳам бундай фермерлар талайгина. Янаям аниқроғи, бу ҳудудда 10 минг фермер хўжалиги фаолият юритаяпти. Шулардан деярли ярми пахтачилик, 2 мингдан кўпроғи ғаллачилик, салкам бир ярим минг нафари полизчилик, яна мингга яқин фермер чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланади. Ернинг кучли шўрланганлиги, экологик ҳолатнинг кескинлиги каби муаммоларни улар фидойи меҳнатлари ва ишбилармонликлари билан енгишмоқда. Қорақалпоғистонлик фермерлар кейинги уч йил давомида давлатга пахта сотиш шартномавий режасини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажариб келишмоқда. Ўтган йили юлғин пахта хирмонининг 98 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Бу фермерлик ҳаракатига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин самарасидир.

Қонликўллик фермер Тожихол Эшқобулова Оролбўйи минтақасининг барқ уриб ривожланаётган тадбиркорларидан бири. У етакчилик қилаётган «Ғофир» фермер хўжалиги барча соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бу йил 20 гектар майдонда ғўза ва шунча майдонда ғалла етиштирилмоқда. Ўндан зиёд қишлоқ хўжалик техникаларига эга бўлган хўжаликда чорвачилик ҳам яхши йўлга қўйилган. Хўжалик фермасида 300 бош қорамол боқилмоқда.

Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлаётганидан фермер опа мамнун. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида 30 миллион сўм даромад кўрган фермер бугун хайр-саҳоват ишларига бош-қош бўлмоқда. Кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган ҳамқишлоқлари доимо опанинг эътиборида. Ана шундай икки оилага сигир ҳадя этилди. Қишлоқ ёшлари иш билан таъминланмоқда. Энг муҳими, Т.Эшқобулова каби фермерлар қишлоқда фаровон турмушни таъминлаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиб келмоқда.

Мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, шундай шароитда ишлаб элу юрт олдида юзи ёруғ бўлиш кишидан фидойиликни талаб этади. Президентимизнинг **«Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонлик»,** деган сўзлари хоразмлик деҳқонларни доим руҳлантириб келган. Бу юксак эътироф қишлоқ мулкдорларини янги муваффақиятлар сари дадил етакламоқда.

Вилоятда фермерчилик ҳаракати ҳақида гап кетганда даставвал Янгибозор тумани эсга олинади. Янгибозор мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фермерлаштирилган туман ҳисобланади. Туман заҳматкашлари фермерчилик ҳаракатининг афзалликларини эрта англаб етишди ва бугун ўз тажрибалари мисолида бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Туманда ҳозир минглаб фермерлар ўз хўжаликлари ишини намунали тарзда йўлга қўйиб олган. Президентимиз сафар чоғида тумандаги «Барҳаёт Матниёз бобо» фермер хўжалиги далаларида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Вилоят фермерларининг вакиллари, эл ардоғидаги фахрий деҳқонлар, хоразмликлар таъбири билан айтганда, ёшуллилар билан учрашди. Фермерларнинг бугунги ўй-ташвишлари, муаммо ва таклифлари билан қизиқди. Бўлиб ўтган мулоқотлар очиқ ва самимий бўлди. Эл қадҳудолари Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидан мамнунликларини изҳор этишди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда ёшлар давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида, ҳимоясидадир. Мустақилликнинг илк кунларидаёқ ёш авлод тарбиясига, ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишларига имкон туғдирадиган шарт-шароитларни яратишга жиддий киришилган эди. Зеро, 1991 йил 20 ноябрда ёшларнинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан камол топишлари учун ҳуқуқий асосларни, бу борада давлат сиёсатининг йўналишларини шакллантириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди.

«Ijtimoiy himoya yili» Davlat dasturi amalda

Имтиёз ва тадбирлар

ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим омилдир

Бинобарин, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ёшлар мамлакатимиз келажаги эканини, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини, навқирон авлоднинг жамият таянчига айланиши учун жиддий эътибор бериш лозимлигини кўп таъкидлайди. Президентимиз ташаббуслари билан "Ижтимоий ҳимоя йили", деб эълон қилинган жорий йилда ҳам мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш муҳим ва устувор вазифалар қаторига қўйилди.

2007 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилингани мазкур соҳада амалга ошириб келинаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

(Давоми учинчи бетда)

Adliya xabarlari

Тадбиркор давлат ҳимоясида

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ва уни қўллаб-қувватлашга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинаётганлиги бежиз эмас.

Статистик маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоиздан кўпроғи кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш борасида 2007 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

2007 йил 21 май куни Андижон вилоят адлия бошқармасида "Тадбиркор давлат ҳимоясида" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари, Андижон вилоят ҳокимлиги, шунингдек вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш зарурати, аввалambor, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиётнинг реал секторини катта ҳажмдаги инвестициялар билан таъминлаш, иқтисодиётдаги жадал ўзгаришларни рағбатлантириш, аҳоли даромадларининг ва бандликнинг ўсишига асосланадиган иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиши таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, рўйхатга олиш, ҳисоботлар тақдим этиш, рухсатномалар бериш тартибининг соддалаштирилиши, текширишларга чекловларнинг кучайтирилиши, ҳуқуқий таъсир чораларини суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилиши, молиявий жавобгарликнинг эркинлаштирилиши каби чора-тадбирларнинг амалда татбиқ этилиши ўзининг аниқ самарасини бераётгани алоҳида қайд этилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ютуқлар билан бир қаторда, анжуманда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида учраётган муаммолар ҳам атрофлича муҳокама қилинди ҳамда бу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан бир қатор таклифлар киритилди.

Илмий-амалий конференцияда сўзга чиққан тадбир иштирокчилари томонидан қишлоқ хўжалиги ўз нуфузига кўра мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, у ерда турли хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш, молия-кредит, ташқи иқтисодий фаолият, солиқ-божхона ва бошқа соҳалардаги имтиёзлар янада кенгайтирилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни қайта кўриб чиқилиши, ундаги тадбиркорлар ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоясини кучайтиришга оид нормалар амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилиши лозимлиги юзасидан таклифлар берилди.

Тадбир якунида тадбиркорларнинг соҳага оид саволларига батафсил жавоблар берилди.

Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати

Оила муқаддас даргоҳ

Яқинда Тошкент шаҳар адлия бошқармасида «Халқаро оила куни» муносабати билан «Оила муқаддас ватан» номли тадбир бўлиб ўтди. Мазкур анжуман Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари ҳамда пойтахтимиздаги энг намунали оила соҳиблари иштирок этишди.

Тадбирда «Оила муқаддас даргоҳ» плакатлар кўрик танлови, «Ёш оила» викторинаси, «Тадбиркор оилалар маҳсулотлари» кўргазмаси йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Анжуман сўнгида танлов ва викторина ғолибларига фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, таниқли хонандаларнинг куй-қўшиқлари барча иштирокчиларга манзур бўлди.

Зафар ОЛИМОВ

Islohot odimlari

Юксалаётган юрт жамоли

(Давоми. Боши биринчи бетда)

– Қаерда бўлмайин, ҳаётий тажрибага эга, турмушнинг аччиқ-чучугини татиган отахонлар, хоразмча айтганда, ёшуллилар билан суҳбатлашишга, ижтимоий, иқтисодий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларимиз бераётган самаралар юзасидан маслаҳатлашишга ҳаракат қиламан, — деди Юртбошимиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор «Ҳайтиммат ота» фермер хўжалиги раҳбари Гулмат Ҳайитметов давлатимиз томонидан қишлоқ мулкдорларига яратиб берилган шароитлар учун миннатдорчилик билдирар экан, келажак режалари ҳақида гапирди. 2000 йилдан буён фермер сифатида фаолият юритиб келаётган Г.Ҳайитметов бугун мамлакатимизнинг донгдор деҳқонларидан бири. Хўжалик барча турдаги қишлоқ хўжалик техникаларига эга.

Ўтган йилни 41 миллион соф фойда билан якунлаган фермер ҳамқишлоқларига янги замонавий типдаги гузар қуриб бериш ниятида. Бундан ташқари, ҳозирда ишламай турган болалар боғчаси биносини ўз маблағи ҳисобидан таъмирлаб, ишга туширишни ҳаракатида.

Урганч туманидаги «Баҳром» фермер хўжалиги раҳбари Маркс Раҳмоновнинг ишбилармонлиги ҳам эл оғзига тушган. У 46 гектар майдонда деҳқончилик қилиб келмоқда. Унинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги ҳаракатлари ибратлидир. Хўжалик гўшт ва сутни қайта ишлайдиган минизаводга эга. Етиштирилган ғаллани ўз тегирмонида тортиб, кичик нонвойхонасида нон ишлаб чиқармоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар халқаро кўргазма-савдосида қатнашган фермер янги технологиялар сотиб олиш бўйича шартномалар тузди. Ўтган йилни 32 миллион соф фойда билан якунлаган М.Раҳмонов ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш устида изланмоқда. Фермер ҳамқишлоқларига ўз маблағи ҳисобидан 500 кишилик тўйхона қуриб берди. Бу жой эндиликда қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланган. Катта-кичик тадбирларга мезбонлик қилмоқда.

Президентимиз бугуннинг фермери фақат деҳқон эмас, балки тадбиркор, ташкилотчи бўлиши зарурлигига урғу берди. Оролбўйи минтақасининг кучли шўрланганини ҳисобга олган ҳолда оқава сувларни қочириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича зарур тавсиялар берди. Бу йўналишда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишлар давом эттирилиши ҳақида гапирди. Давлатимиз раҳбарининг мадади ва фермерларнинг фидойи меҳнатлари яқин келажакда янада катта самаралар беражагига ишонч билдирилди.

САҲРОДАГИ «ОҚ КЕМА»

Қўнғирот — республикамизнинг шимолий дарвозаси. Юртимизга ташриф буюраётган хорижликлар дастлабки тасаввурни шу эл одамлари тимсолида олади. Уларнинг ҳаёт тарзи, туриш-турмуши, элнинг ободонлиги-ю маъмурчилиги дастлабки илиқ таассуротни бериши шубҳасиз. Чунки Қўнғирот туманида кейинги йилларда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Темирйўлчилару газчилар, қишин-ёзин далада жавлон ураётган бободеҳқонларнинг фидокорона меҳнатлари ва албатта кейинги йилларда ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли Қўнғирот таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янги бунёд этилган таълим ва даволаш муассасалари, ишлаб чиқариш ҳамда савдо иншоотлари, маъмурий биноларнинг салобатидан кўз қувнайди. Тобора обод бўлаётган туман марказидан шимолга юришингиз билан сизни Устюрт текисликлари бағрига олади. Бир замонлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди, деб таърифланган бепоён чўл бағри бугун улкан бунёдкорликларга гувоҳ бўлмоқда. Туман марказидан бир неча ўн чақирим юрсангиз, улкан иншоотлар ва ихчам шаҳарча эътиборингизни тортади. Бу эндиликда кўпчиликнинг оғзидан тушмаётган ва улкан умидлар пайдо қилаётган Қўнғирот сода заводи ва «Элобод» қўрғонидир.

Ўтган йили узоқ кутилган Қўнғирот сода заводининг ишга туширилиши мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу гигант корхона ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан Марказий Осиёда муқобили бўлмаган йирик саноат корхонаси ҳисобланади. Мураккаб технологик жараён дунёга машҳур «Хонивелл» ва «Сименс» фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқарилади. Ўтган йилнинг ўзида заводда 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарилди.

— Ҳукуматимизнинг, халқимизнинг заводдан умиди катталигини ҳар бир ишчи-хизматчи яхши ҳис қилади. Бу бизни ўз ишимизга масъулият билан ёндашишга, вазифаларимизни пухта бажаришга ундайди. Кўриб турганингиздек, саноат учун муҳим хомашё – кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқараяпмиз. Бу маҳсулот кўплаб халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда зарур компанент ҳисобланади. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмлик маҳсулот тўлиқ биржа орқали сотилди, – дейди завод директори Рисқибой Яқубов. – Юртимизда ва хорижда харидорлар сони ортиб бораётгани, ишлаб чиқариш суръати ва сифатини янада ошириш, маҳсулотлар турини кўпайтиришга ундамоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини жорий йилнинг август ойидан йилига 100 минг тоннага етказиш ниятидамиз. Энг муҳими, илгари юртимиз кимё саноати учун валюта ҳисобига йилига 70 минг тонна ана шундай маҳсулот четдан келтирилар эди. Эндиликда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган сифатли сода маҳсулоти мамлакатимиздаги «Кварц» акциядорлик жамияти, «Фарм-гласс» ва «Ғазалкент-ойна» қўшма корхоналари, шунингдек, ёғ-мой, кимё, металлургия корхоналарига етказиб берилмоқда.

Вагонларнинг тинимсиз ҳаракати киши эътиборини тортмай қўймайди. Уларнинг тўхтовсиз қаёққадир шошишлари заводнинг узлуксиз ишлаётганидан далолат беради.

Мингдан зиёд йигит-қизлар меҳнат қилаётган аҳил жамоада иш уч сменада ташкил қилинган. Ишчи-хизматчилар махсус кийим, арзонлаштирилган иссиқ овқат билан таъминланганлиги, иш ҳақи ўртача 100 минг



сўмдан зиёдни ташкил этаётгани тўғрисидаги маълумотлар бу даргоҳда ишчи-хизматчиларга етарли ғамхўрлик кўрсатилаётганидан далолатдир. Корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Байрам Камолов ишчи-хизматчилар учун яратилаётган бошқа шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди. Жамоа шартномасида белгиланган имтиёзу енгилликларни таъкидлади.

Ишчиларнинг аксарияти ёшлар экан. Кўзлари чақнаб турган йигитларнинг ғайрати кишини қувонтиради.

— Ҳукуматимиз билдирган катта ишончни оқлашни истаймиз, —дейишди улар.

Корхона маъмурияти, касаба уюшмаси ва «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорликда ишчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиққан. Турли бадиий кечалар, учрашувлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб борилмоқда. Заводнинг дам олиш уйлари-ю спорт майдончалари ишчилар хизматида. Уларда китоб ўқиш, дунё янгиликлари билан танишиш, спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги **«Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилиши маҳаллий ёшларга кенг имкониятлар эшигини очди. Мазкур бўлимнинг ўқув-лаборатория базаси завод ҳудудида жойлаштирилди. Таълим ва амалиётнинг узвий боғлиқликда олиб борилиши тўрт ихтисослик бўйича таълим олаётган икки юз нафарга яқин талабаларнинг етук мутахассислар бўлиб етишишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Замонавий лаборатория анжомлари, сўнгги русумдаги компьютерлар ва махсус жиҳозланган аудиториялар талабалар ихтиёрида. Айниқса, маънавият маркази эътиборимизни тортди. Бу ерда жамланган китобу қўлланмалар, даврий нашрлар дунё билан бўйлашаётган ёш илм толибларининг келажакда юксак маданиятли, етук кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилаётгани бизни қувонтирди.

«Элобод» қўрғони билан танишар эканмиз, бу ердаги ободликдан қалбимиз ғурурга тўлди. У мамлакатимизнинг энг ёш ва серфайз қўрғонларидан. Қўрғон қурилиши завод қурилишига баробар амалга оширилди. Бугунги кунда қўрғонда икки мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда.

Қўрғон Қўнғирот қалъасидан 40 километр узоқликда саҳро ичкарисида бунёд этилган бўлишига қарамай, электр энергияси, газ ва сувнинг услуксиз таъминоти йўлга қўйилган. Замонавий лойиҳа асосида барпо этилган турар жой биноларида, ётоқхона, меҳмонхона, даволаш маркази, мактаб, клуб, болалар боғчаси, бозорча, маиший ва савдо шахобчалари-ю спорт майдончаси кўрган кўзни қувнатади.

— Қўрғонимизда бунёдкорликлар давом этмоқда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Абдираим Озиров. - Аҳолига турар жой ўринлари беришни мўлжаллаяпмиз. Хизмат кўрсатиш сифати ва суръати ҳам ошиб бормоқда.

20 ўринли шифо масканида шифокорлар Дурдиниёз Каниязов, Қувват Хўжаахмедовлар билан бирга 8 нафар ҳамшира хизмат қилишади. Бу ерда касалликларнинг олдини олиш, беморлар тез ва тўла оёққа туришлари учун шароит етарли. Муассаса замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.

Қўрғондаги 52-мактабда 206 ўқувчи таҳсил олади. 21 ўқитувчи уларга фанлардан қунт билан сабоқ беришади. Барча қулайликларга эга кутубхона, спорт зали ўқувчиларни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга, сифатли таълим беришга хизмат қилмоқда.

Болалар боғчасида завод ишчи-хизматчиларининг юзга яқин болажонлари тарбияланаётган экан. Бу ердаги шарт-шароитлар ҳам катта шаҳарлардаги боғчаларникидан қолишмайди.

Болажонларни соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида улар билан турли машғулотлар олиб борилмоқда, эрталиклар, спорт мусобақалари уюштирилмоқда

«Элобод»дан қайтаётиб, элимизда яна бир йирик корхона иш бошлаб ҳудудда бандлик муаммолари ечимида муносиб ўринга эга бўлаётганидан қувондик. Одамларнинг кайфияти бу ҳудуд келажакда янада обод бўлишидан дарак берарди.

Хаёлимиздан завод бош муҳандисининг ушбу сўзлари ўтди:

— Мен жамоанинг ҳар бир аъзоси шу заводда ишлаётганидан фахрланишини истайман. «ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИ» деган белги жамоанинг юксак ифтихорига айланиши лозим. Биз ана шундай мўлжал билан ишлаяпмиз.

БОЗОР УЧУН ИШЛАШ КЕРАК

Хоразм вилояти нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноати ҳам жадаллик билан ривожланаётган ҳудуддир. Ҳозирда вилоятда ўнлаб саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган корхоналарнинг йигирмага яқини енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Вилоятда етиштирилаётган пахта хомашёсининг йигирма минг тоннага яқини «Боғоттекс», «Коттонтекс», «Хоразм Нуртоп» қўшма корхоналари, «Хоразм текстил», «Юлдуз» маъсулияти чекланган жамиятларида қайта ишланмоқда. Тўрт ярим минг нафар киши меҳнат қиладиган корхоналарда йилига ўртача 64,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Ип газлама, экспортбоп трикотаж маҳсулотлар, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарилаётган корхоналар сафига «Гурлан» акциядорлик жамияти ҳам қўшилди. Акциядорлик жамияти мамлакат ҳукуматининг 2006-2008 йилларда саноат корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш дастури бўйича қайта реконструкция қилинди.

Умумий майдони 31,5 гектардан иборат ушбу йирик саноат мажмуи пахта толасини тайёр маҳсулотга айлантиргунга қадар бўлган технологик жараённи ўз ичига олади. Корхона йилига 4,5 минг тонна пахтани қайта ишлаб, 3,41 минг тонна хом трикатаж, 12 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бундай технологик жараённи ишга тушириш учун 27 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бундай йирик корхоналарни қуришдан мақсад, аввало, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборат. Ҳар бир корхонанинг имкониятлари унинг экспорт салоҳияти билан баҳоланади. Биз дунё бозорида доимий ўз ўрнимизга эга бўлишимиз учун корхоналаримиздаги технологияларни муттасил янгилаб боришимиз лозим.

Чиндан ҳам, эндиликда кимнингдир қистови ёки режа ортидан қувиб корхона қуриш даври ўтди. Бирор корхонани қуришдан мақсад ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб фойда олиш бўлар экан, аввало, бозорни ўрганиш керак. Бозорнинг талаби, ўзгарувчанлигига мослаша оладиган даражада тезкор ва уқувли бўлишимиз лозим. Омбор учун эмас, бозор учун ишлаш кўникмасини шакллантиришимиз керак. «Гурлан» акциядорлик жамияти жамоаси шунга ҳаракат қилмоқда. Мақсадга эришиш учун шарт-шароитлар ҳам етарли. Ишончли ҳамкор ва замонавий технология мақсадга етишнинг энг яқин йўли ҳисобланади. Бундан ташқари, бозор талабини муттасил ўрганиб бориш ва ишчи-хизматчиларга етарли ғамхўрлик кўрсатишни ҳам назардан қочирмаслик керак.

Корхонада 1200 киши меҳнат қилади. Ишчиларнинг 70 фоизга яқини хотин-қизлар. Уларнинг замонамизнинг илғор, тўлиқ компьютерлаштирилган дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариши кишининг ҳавасини келтиради. Хатти-ҳаракатларидан касбини севишини, шароитдан мамнунлигини, янгиликка, ратувчанликка иштиёқмандлигини илғаш қийин эмас.

Пилталаш дастгоҳи оператори Эркиной Аҳмедовани жамоадошлари ҳурмат қилади. У бу даргоҳда 11 йилдан буён меҳнат қилиб, рўзғорини тебратиб келмоқда.

— Корхонамизнинг қайта реконструкция қилиниши бизни хурсанд қилди, — дейди у. — Ҳар куни цехни ҳавас билан бир айланиб чиқаман. Шунда Юртбошимизнинг **биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз,** деган фикрлари ёдимга тушади. Бизнинг корхонамиз айнан мана шу фикрлар маҳсули. Ростданам нега энди биз бундай замонавий даргоҳда ишлашга қодир бўлмас эканмиз.

Меҳнат шароитлари яхши, етарлича ғамхўрлик кўрсатилаётган корхона ишчилари бор маҳоратларини ишга солган ҳолда сифатли, бозорбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Корхонада янгиланишлар давом этмоқда. Яқин орада бўяш ва тикув цехлари ишга туширилиши режалаштирилган. Бу цехлар ишга туширилиши билан яна икки юздан зиёд ҳамюртимиз иш билан таъминланади. Бу эса бандлик дастури ижросини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ЯНГИЛАНАЁТГАН УРГАНЧ

Кейинги йилларда Урганч шаҳри мисли кўрилмаган даражада ўзгарди десак, муболаға бўлмайди. Ўндан зиёд янги коллеж бинолари, мактаблар барпо этилди. Мавжуд шифохоналар капитал реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга эга бўлди. Турар жой бинолари таъмирланди. Умуман, янгиланиш, ўзгариш шаҳардаги ҳар бир бинони қамраб олди.

Жалолиддин Мангуберди, «Авесто», Аз-Замахшарий боғ-мажмуалари, Хотира майдони барпо этилди. Кўприклар қурилди, йўллар кенгайтирилиб, равонлаштирилди. Бу ўзгаришлар урганчликларга кўтаринки кайфият бахш этиб, барча соҳаларда илғор тажрибаларни қўллаган ҳолда фаолият юритишга ундамоқда. Шаҳарликлар шаҳар ободлигига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш тадбирларига бош қўшмоқдалар. Эндиликда шаҳарнинг замонавий бинолари кўзингизни бир қувнатса, улар атрофидаги гулзорлар яна бир яшнатади.

Шаҳар ҳозир ҳам улкан қурилишлар майдони. Бунёдкорликлар жадал суръатларда давом этмоқда.

Айниқса, вилоятнинг марказий майдонини барпо қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар янада авж олган. Яқин келажакда бу ерда яшиллик оламига, беқиёс обидалару иморатларга, халқимиз меҳрига чулғанадиган маскан барпо бўлади. Улуғ бобокалонимиз Ал Хоразмийнинг муҳташам ҳайкали қад ростлайди.

Бугун «Хоразм махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш» корхонаси қурувчиларининг қўллари қўлларига тегмайди. Янги масканни жозибадор ва мафтункор қилиш, ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун қурувчилар тиним билишмаяпти. Қудратли техника воситалари уларнинг машаққатларини енгил қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Оролбўйи минтақаси ҳам худди Ўзбекистон каби улкан қурилишлар ҳудудига айланган. Мамлакатимиз раҳбарининг минтақага ташрифи эса Оролбўйи аҳолисининг яратиш ва бунёдкорлик йўлида янги куч-ғайрат билан меҳнат қилишга ундайди.

Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ,
Ислом ҲАМРОЕВ,
Бобомурод РАЙИМОВ,
«Инсон ва қонун» мухбирлари
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Помирга туташ Ҳисор тоғ тизмаларининг Биловту, Ҳаловат, Санжар, Даҳмалик, Керага, Қоранов, Урбулоқ деб аталмиш тоғ чўққиларида архар кийикларнинг сурув бўлиб юрганини кўп бор кўрганман. Табиатга нисбатан бешафқатлик натижасида она табиатнинг бир бўлаги ҳисобланган инсон ана шу тоғ гавҳарлари ҳисобланган жониворларга шундай қирон келтирдики, натижада ҳозирги кунда юқорида таъкидланган тоғ қояларида бу ноёб жониворлар бутунлай қирилиб, йўқ бўлиб кетди...

Ona tabiat — qo`riqxona

Ер фермерники, табиат олами-чи?

Ўтган йили Бандихон қишлоғига туташ тўқайзорга тустовуқ овига боргандим. Бир воқеани кўриб, ақлим шошиб қолди. Овчиларнинг отган ўқ овозларидан тустовуқ галаси қишлоқ хонадонларига қарашли боғларга ўзларини уришди. Бу бежиз эмасди, ўзларича катта хавф сезган қушлар ажалдан қочиб қишлоқ хонадонларига тап тортмай кириб борганининг сабаби бу ерда овчилар ўқ отишга ҳайиқарди. Тустовуқлар ана шу хислатни сезган ҳолда паноҳни ҳам инсондан топиш мумкинлигини биларкан...

Яқинда Деновга бора туриб, Қорадарадан ёввойи бодом дарахтини аёвсизларча кесиб юрган одамларга дуч келдим. Киракаш машина ҳайдовчисидан машинани тўхтатишни илтимос қилдим. У ҳам нима гаплигини билмай, истар-истамас ёввойи бодом кесаётганлар ёнида машинасини тўхтатди.

— Ҳой инсон, нималар қилаяпсиз? Бу ҳолда дарадаги ёввойи бодом бутунлай қирилиб, йўқ бўлиб кетадику. Эртага биздан кейин ҳаётни давом эттирадиган фарзандларимиз мана шу тоғларда ёввойи бодом борлигини кўрмай ўтиб кетади. Инсоф қилинглар.

Нохосдан танбеҳ эшитиб, қўлидаги болтани ўйнатиб турган йигит, менга ажойиботга қарагандек ҳайрон боққанича:

– Ў, ака, кўп ҳам дўқ урайверманг. Бу ерларни биз чорва моли, қир-адири билан сотиб олганмиз, тоғу-тошлар ҳам, барча довдарахтлар ҳам бизники, қора ўчоқда овқат пиширамиз. Сизникидай уйимизда газ йўқ. Рўзғорга ўтин керак. Биз ўзимизга қарашли ерлардан ўтин кесамизми, йўқми бунинг сизга тааллуқли жойи йўқ. Бошимизни қотирмай, йўлингиздан қолманг!

Сўзни уққанга гапир, дейди. Укмаган одамга қанча гапирма, фойдаси йўқ. Қаршимиздаги ўткир тиғли болта кўтарган манави инсонларга ҳам гап уқтиришнинг фойдаси йўқлигини тушундим. Зотан, улар ўзлари кўр-кўрона қилаётган ёвузликнинг хунук оқибатларини жуда кеч, балки тушунмай ҳам ўтиб кетар. Инсон ниманики хор этса, шунга зор бўлади. Буни қайтар дунё дейдилар.

Шу баҳорнинг серёғин кунларидан бирида Шўробнинг Гўрдара тоғларига замбуруғ териш учун боргандим. Даранинг баҳор манзараси ўзгача, қирларда лола-қизғалдоқлар қип-қизил очилиб ётибди. Ёввойи бодомнинг новдаларидаги пуштиранг гуллар гўзаллиги олдида ҳайратингизни яширолмайсиз. Табиат нақадар гўзал. Дара бўйлаб юқорига чиқаётиб бир жилғада ўтлаётган ҳисори қўйлар суруви бошида ерга ёнбошлаб ётган чўпонга дуч келдим. Суриштириб, исмини билиб олдим. Ўзини Панжи деб таништирган қўйчивон 350 бош қўйни отари ва яйлови билан сотиб олган экан. Уни сухбатга тортдим. Гап она табиат гўзалликларига бориб тақалганда у оғир хўрсинганича:

— Биласизми, ака, шу Гўрдарада илгари коврак деган худди йўнғичқага ўхшаш ўт ўсиб ётарди. Қишнинг қаҳратон кунлари сурувни шу томонга ҳайдаб боқардим. Тайёр емиш эди. Қўй қор остидаги коврак барglarини оёғи билан ковлаб ердан емиш оларди. Сурув коврак туфайли кўп касалликдан, айниқса, ичак қурти деган балойи-баддан халос бўларди. Очиғи қишнинг емишига унчалик қийналмасдик. Аммо ўтган йили коврак ширасини олувчилар пайдо бўлиб, унга қирон келтирди. Мана, кўриб турибсиз, ширасси ўтган йили олинган ковракзорлар ер билан яксон бўлиб қолди. Кўплар қатори мен ҳам бунга эътибор қилмаган эдим. Энди ақлим жойига тушди. Қани бу йил биттаси келиб кўрсин-чи, таъзирини бериб қўяман!

Унинг афсусларида ҳақиқат бор эди. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, ер фермерларники бўлди. Хўжайин бўлмиш ер эгаси тоғу-тошлар орасидаги турли хил доривор ўсимликлар дунёсини, бу ерлардаги парранда-ю, даррандаларнинг ҳам эгаси бўлиб қолди. Бундайроқ айтиладиган бўлса, табиат яратган бойликлар ҳам фермерники. Истаса асрайди, истамаса кўр-кўрона йўқ қилади. Довдарахт кесилган тоғу-тошдан қушлар галаси, ёввойи ҳайвонлар эса тинчгина бошпанасидан жудо бўлгач, ўз масканини ташлаб, бошқа томонларга кетиб қолади. Демак, табиатнинг бир бўлаги сизу-биз содир этган ёвузликнинг қурбонига айланади. Бу даҳшатларни барчамиз ҳам англаб етарканмизми?

Ўтган йили жанубий Кореяга сафарга борган танишим ўз сухбатида қойил қолганича бир гапни такрорлагани эсимда. Ўша жанубий Кореяда ўрмонлар шунчалик тиғиз эканки, аҳоли яшайдиган хонадонлар ҳам бевосита ўрмон ичига қурилган экан. У томонларда дарахт кесиш деган иборанинг борлигига ҳайрон қолишаркан. Дов-дарахтлар танасига болта уриш оғир жиноят ҳисобланаркан, бунга қойил қолиш керак.

Бизда-чи? Чорвани яйлов билан сотиб олган фермер тоғ-яйловларнинг пулини ўрмон хўжалигига нақд тўладим, хоҳласам истаган арчани, ёввойи бодом, заранг, учқат, писта дарахтларини кесавераман. Менга ҳеч ким хўжайин эмас, деб турса. Афсус...

Тўғри, жойларда ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш идоралари, ўрмон қоровуллари бор. Аммо уларнинг юз минглаб гектардаги тоғу-тошлар орасидаги она табиат гўзалликларини мукаммал назорат қилишларининг имкони йўқ.

Хўш, бу бош-бошдоқликнинг олдини олиш мумкинми? Бизнингча, тоғ яйловлари, чўлдаги тоғу-тошлардаги барчаки ёввойи гўзалликларни сақлаш учун бир қатор янги талабларни фермерлар олдига қўйиш муаммосини ҳал этиш керак. Масалан, яйлов олган фермер ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро шартнома тузганда (яйловдан фойдаланиш бўйича ўрмон хўжаликлари билан шартномалар тузилади) ихтиёридаги мавжуд ерлардаги жамики ўсимликларни, дов-дарахтларни, паррандаю-даррандаларни ҳам асраш, унга қирон келтирмаслик шартлари ҳам алоҳида таъкидланиб, мажбуриятлар фермер зиммасига юкланиши лозим. Ҳозир амалдаги фермер ва ўрмон хўжалиги ўртасида тузилган шартномаларда бу ҳақда бирор оғиз ҳам гап йўқлиги ажабланарлидир.

Иккинчидан, шартномаларда фермерларга берилган ерлардаги «Қизил китоб»га кирган барча ўсимликлар дунёси алоҳида ном билан кўрсатилиши лозим. Бундан ташқари, ўзаро битилган шартномаларда табиат дунёсини қўриклашда фермер зиммасига юклатилган мажбуриятлар билан бирга бу соҳада унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам алоҳида таъкидланмоғи лозим. Эҳтимол, шунда бир қадар ўсимликларни сақлаб қолиш, улар қирилиб кетишининг олди олинар. Нима бўлганда ҳам, ер эгаси бўлган фермерларнинг табиат оламини сақлашдаги масъулиятини янада ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Замон ўзгарди. Ҳаётимизга тобора чуқур сингиб кетаётган ва ўзининг ижобий натижаларини бераётган фермерлик ҳаракатларида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган масалалар дунё юзини кўрмоқда. Демак, шунга яраша янги қонун-қоидалар пайдо бўлиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши айни пайтда жуда муҳим эканлигини ўйлаб, тарозига тош қўйиш пайти етганлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qadriyat

Қуйи бошқарув тизими

уни мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласи

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида кадрлар таъминотини такомиллаштириб бориш кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг долзарб вазифаларидандир. Бунинг учун мазкур тармоқда хизмат қиладиган ходимлар штати ва хизмат вазифаси тақсимотини ўрнига қўйиш, уларнинг малакасини оширишга эътибор қаратиш зарур.

Шу мақсадда 1992-2006 йиллар мобайнида Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш мақсадида 30 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан маҳаллалар фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда тадбирлар режалари ишлаб чиқилди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси маълумотларига биноан, 2006 йил 1 май ҳолатига кўра, Республика бўйича жами 9978 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида 39912 нафар ходим кўзда фаолият юритиш тутилган. Улардан 4964 нафари, яъни 13 фоизи маҳаллардаги оилалар сони 500 тадан камлиги сабабли жамоатчилик асосида фаолият юритмоқда. Жумладан, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи 1156 нафар ходим қишлоқ жойларидаги маҳаллаларга тўғри келади. Бундан ташқари, барча маҳаллаларда жамоатчилик асосида иш олиб борувчи комиссиялар фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида"ги қарор билан тасдиқланган Низомнинг 11- моддасига кўра, **маҳалла раиси: олий маълумотли ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши; раҳбарлик лавозимларида ишлаб, тажриба ортирган, етарли даражадаги билимларга эга, ватанпарвар бўлиши, аҳоли ўртасида обрў-эътиборли, ташаббускор бўлиши лозим.**

Маҳалла раислари таркибида олий маълумотлилар сони кейинги пайтларда 9 фоизга ўсган бўлса-да, олий маълумотга эга бўлмаган раислар сони 18 фоиздан ортиқни ташкил этади. Масъул котиблар ва диний-маърифий, маданий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар орасида бу кўрсаткич 3 фоизга ортган бўлса-да, котибларнинг 51 фоизи, маслаҳатчиларнинг 43 фоизи олий маълумотли эмас.

Сайланган ходимларнинг ёшлари солиштирилганда 40 ёшгача бўлган раислар сони 2003 йилда 2001 йилга қараганда 2,5 фоизга, 60-70 ёшдагилар 6 фоизга камайган, масъул котибларда бу кўрсаткич 24 фоизга, маслаҳатчиларда эса 2 фоизга камайган. Ўтган сайлов натижалари кўрсатишича, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимида сайланган аёллар сони 2003 йилда 2001 йилдагига қараганда 2 фоизга ортган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари уларнинг штат тузилиши, хизмат вазифаси тақсимоти, кадрларни танлаш мезонлари масалаларини тизимли тадқиқ этган ҳолда такомиллаштириш лозим. Айниқса, кадрлар таъминоти масаласини самарали ҳал этибгина бу тизимнинг ўз вазифаларини тўлиқ бажариш имкониятларини ошириш мумкин. Шунингдек, давлат бюджетидан ойлик тайинланган, штатдаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, масъул котиб ва маҳалла посбони лавозимлари ижтимоий, иқтисодий, коммунал ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича раис ўринбосарлари лавозимлари шаклида қайтадан тузилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Суннатилла ЭШҚУВВАТОВ

Jamiyatimiz maqsadi

Ҳуқуқий онгдан — юксак ҳуқуқий маданият сари

Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир.

Ислом КАРИМОВ

Маълумки, эришаётган ҳар бир муваффақиятимиз, аввало, мамлакатимизнинг мустақиллиги билан боғлиқ. Мустақиллик халқимизга энг саодатли кунларни тухфа этди. Ўзбек давлатчилиги ривожининг янги қирралари рўёбга чиқди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамиятига асосланган инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлига ўтди.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳар бир фуқароси, албатта, ҳуқуқий саводхон бўлмоғи лозим. Бунинг учун жамиятимиз аъзоларидан теран ҳуқуқий онг ва юксак ҳуқуқий маданият талаб қилинади.

Маълумки, бирон-бир жамият маънавий-маърифий ва ҳуқуқий қадриятларини ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур этолмайди. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, маънавият ва маърифат даражалари ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир.

Ҳуқуқий онг, деганда ҳаммамиз мамлакатда ўрнатилган қонун-қоидаларни билишликни тушунамиз. Ҳуқуқий маданият эса уларга амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, демакдир.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз бундан 10 йил муқаддам, яъни 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда: **"Биз юртимизда эркин, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаяпмиз. Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу олий мақсадга эришишда демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онгида ана шу тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифадир"**, деган эдилар.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий тарбияни янада равнақ топтириш, уни юксак ҳуқуқий маданият даражасига кўтариш — бугуннинг, ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бу борада Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги ўн ойда "ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечими", "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни", "Ҳуқуқий тарғибот ишларини такомиллаштиришда давлат органлари ҳамкорлигининг истиқболлари" ва бошқа мавзуларда юзлаб семинар-кенгашлар ўтказилди.

Ҳуқуқий тарғибот ишларига давлат органлари вакиллари билан бир қаторда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчиларни, жамоатчилик вакилларини ҳам жалб қилиш ва уларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида "Ҳуқуқий онгдан – юксак ҳуқуқий маданият сари", "Республикада юридик таълим самарадорлигини ошириш истиқболлари", "Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари" каби кўплаб мавзуларда илмий-амалий конференциялар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, Ички ишлар вазири ўртасида **"Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида"**ги Меморандумлар имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Олий таълим, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа манфаатдор хўжалик бошқарув органлари билан ҳамкорлик режалари тузилиб, маҳаллаларда, хотин-қизлар қўмиталарида, мактабларда, коллеж ва академик лицейларда, олий ўқув юртларида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш йўлга қўйилди.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида "Халқ сўзи", "Қишлоқ ҳаёти", "Адолат", "Ўзбекистон овози" газеталари билан ҳуқуқий тарғибот соҳасига оид ҳамкорлик ўрнатилди.

Ўзбекистон миллий Телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" каналининг "Ассалом, Ўзбекистон" кўрсатувида, "Даракчи", "Ҳаёт" ҳамда "Инсон ва қонун" газеталарида "Ҳуқуқ ва бурч" рукнлари ташкил этилиб, фуқароларнинг ҳуқуқий мавзулардаги саволларига мунтазам равишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар бериб бориш ташкил этилди.

Республика аҳолисини ҳуқуқий тарғибот ишларига кенг кўламли жалб этиш мақсадида ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мавзулар бўйича "Ҳуқуқ ва бурч" рукнида "Энг яхши мақола" кўрик-танлови жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ўқув муассасаларида "Конституция – бахтимиз Қомуси" мавзусида кўрик танловлар ўтказилиб, танлов ғолиблари Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тартиблари", "Инсон ҳуқуқлари ва одил судлов", "Инсон ҳуқуқлари ва дастлабки тергов" номли тўпламлар кирилл ва лотин алифбосида нашр этилди.

Бундай тадбирлар асосан қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил давомида амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари 36 мингдан ортиқ бўлса, барча давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан ўтган йилда олиб борилган ҳуқуқий тарғибот ишлари сони бир миллиондан ошиб кетди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа кўплаб идораларнинг салмоқли ҳиссаси борлигини таъкидлаш лозим.

Ҳуқуқий саводхонликни оширишга йўналтирилган бундай тадбирлар аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини оширишда, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади, деган умиддаман.

Абдукамол РАХМОНОВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи

«Ijtimoiy himoya yili» Davlat dasturi amalda

Имтиёз ва тадбирлар

ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим омилдир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Фармонда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдамлар кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар, имтиёзлар белгиланган.

Ёш оила тоифасига 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кириши белгиланган. Мазкур тоифага мансуб ёшлар Фармонда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Фармонда бир қатор имтиёз ва тадбирлар назарда тутилган. Чунончи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш), уй-хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш учун ёш оилаларга имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари, микрокредитлар бериш учун тижорат банклари томонидан 2007 йилда 50,0 миллиард сўм ажратилаётганлиги маъқулланган. Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатасига ёш оилаларга юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун 2007 йилга мўлжалланган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча кредит маблағларини излаб топиш ва ажратиш тўғрисида таклифларни ҳар йили Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилган. Бу чора ёш оилаларга имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради.

Шунингдек, ёш оила аъзоларининг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган даромадлари, шу жумладан, хўжалик субъекти – иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олган маблағлари даромад солиғидан озод қилинган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли идоралар билан биргаликда 2007-2008 йиллар давомида Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этиш ҳамда уларни таъмирлаш, жиҳозлаш чораларини кўриш топширилди.

Президентимизнинг **«Ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонида назарда тутилган имтиёз ва тадбирлар ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, мустақил ҳаётга қадам қўйишда кўмаклашишга, уларнинг моддий шарт-шароитларини яхшилашга ёрдам беради, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида кучғайратини аямай хизмат қилишларини рағбатлантиради.

Нодир ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Dolzarb mavzu

Ерга эгалик ҳисси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг илк босқичида қишлоқ хўжалигидаги туб иқтисодий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилганди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, тадбиркорликни, фермерлик ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш имконини яратди. Натижада бозор талабларига мос янги хўжалик тизимлари, хусусий сектор шаклланди. Ердан фойдаланишнинг турли шакллари, хусусан, ер майдонларини ижара асосида деҳқон ва фермер хўжаликларига бериш амалиёти жорий қилинди.

Ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПФ-3741-сонли Фармонига мувофиқ **"Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида"**ги Фармонига қўшимчалар киритилди. Унга кўра, тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари, давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб, ягона ер солиғи тўлашдан беш йил муддатга озод этилди. Орттирилган маблағлар мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар барпо этиш ҳамда кенгайтиришга йўналтирилиши белгиланди.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, аввало, қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилди. Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги **"Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори алоҳида аҳамият касб этди. Жумладан, мазкур қарорга мувофиқ, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорва маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилиб, пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Шунингдек, қарорда 2006-2010 йилларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, зооветеринария ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктларни тармоғини кенгайтириш, зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотишни назарда тутиш алоҳида таъкидланди.

2006 йил 5 январда Президентимизнинг **"Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан, чекка қишлоқлардаги аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг оила бюджети даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этиш учун ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йил 1 февралдан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловдан озод қилинди. Корхоналарга, меҳнат шартномаси асосида, касаначиларга буюртма бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг асосида тақдим этиш кафолатланди. Бундай асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлардан фойдаланиш даврида мулк солиғи олинмайди.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг негизи ерга мулкчилик масаласидир. Бугун деҳқонда ерга эгалик ҳисси қайта тикланди. Шу билан бирга, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим ҳолларда қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга доир қонун талабларини етарли даражада билмасликлари оқибатида шартнома интизомини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Шунинг учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Сир эмас, бир неча фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган туманларда саноқли адвокатлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳам хўжалик ёки солиқ низоларига эмас, аксарият ҳолларда, фуқаролик ва жиноят ишлари соҳасига ихтисослашган. Фермер хўжаликлари раҳбарлари хўжалик ёки солиқ низолари бўйича ҳуқуқий маслаҳат, ёрдам олиш учун узоқ масофани босиб, вилоят ёки республика марказига келишга мажбур бўлмоқдалар.

Шу боис, қишлоқ жойларида ҳуқуқшунослар ва адвокатларнинг ролини кучайтиришга эҳтиёж катта. Қишлоқ жойларида хўжалик низоларига ихтисослашган ҳуқуқий хизматларни шакллантириш, адвокатлар фаолияти сифатини яхшилаш йўли билан ушбу ҳолатларга барҳам бериш мумкин.

Бекзот МАВЛОНОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Мазкур конституциявий қоида асосида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг республикамиз ҳудудидан чиқиб кетиш қоидалари тасдиқланган. Чиқиб кетиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини ҳамда белгиланган шаклдаги анкета аризани чет элга чиқувчи тақдим этган тақдирда, яшаш жойидаги ички ишлар идоралари томонидан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади ва фуқаролик паспортига икки йиллик муддатга амал қилувчи белги — (муҳр) қўйилади.

Saboq

Тўғри йўлдан тойганлар

Бугунги кунда юртдошларимиз дунёнинг исталган жойларига хизмат сафарига, ўқишга, ишга, даволанишга ва саёҳатга орқали келмоқдалар. Бунинг учун юртимизда барча шароит ва имкониятлар мужассам. Лекин айрим фуқароларимиз тўғри йўл қолиб негадир қийғир йўллар билан чет эл давлатларига боришга уринаётганликлари бизни таажжубга солади. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган.

Доно халқимизнинг «Кўнгли тўғрининг йўли тўғри» деган нақли бежиз эмас. «Қийғир» йўл билан хориж сафарига отланганларни кўпчилиги аёллар эканлиги янада ачинарли ҳолдир. Андижонлик Элмира Ортиқова айни хориж сафарини «айланма йўл» орқали ихтиёр этди. Ўйлаб кўрса 25 ёшгача на бир ҳунар эгаллаб, на бир жойда ёлчитиб ишлабди. Ортиб бораётган ҳаётий эҳтиёжларига эса ота-онасининг нафақаси ҳам етмай қолди ва у енгил ҳаётни ўзга давлатдан излашга қарор қилди. У айланма йўл билан чет давлатга чиқишни олдиндан пухта режалаштириб, 2004 йилнинг декабр ойида ҳеч қандай рухсатномасиз қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрига жўнади. Бу ердаги сайёҳлик фирмаларининг бирида Ўзбекистон паспорти билан ҳужжатларини расмийлаштириб, Ўш аэропортидан Бирлашган Араб Амирлигининг Шаржа шаҳрига учиб кетди. Шаржадан эса Дубайга келгач, унинг нима иш билан машғул бўлганлиги бизга қоронғу бўлсада, аммо ўз аёллик қадрини билмай, қийғир йўллар билан келган «чақирилмаган меҳмон» бу ерда иззат-икром топмаганлиги қундай равшан. 2007 йилнинг 6 февралида Э.Ортиқова номаълум сабабларга кўра, Ўзбекистонга қайтишга қарор қилди. Қарангки, ўғридек бекиниб, чет давлатга чиқиб кетган кимса, юртига ҳам тўғри эшикдан кириб кела олмас экан. Буни яхши англаган Элмира «Шаржа-Олмаота» йўналиши бўйича ҳаво йўли орқали Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрига келиб, «Ғишкўприк» чегара постидан Ўзбекистон ҳудудига амал-тақал кириб олди. Бу ҳаракатлари билан у яна бир бор Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган меъёрий тартибни бузиб, жиноий ҳаракат содир этди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, хориж сафарининг «мазасини» татиган, Э.Ортиқова туғилган гўша, оиласи бағрида узоқ яшай олмади. Ота-она, туғишган жигарлари меҳридан олисдаги усти ялтироқ ҳаёт жилваси устун келиб, у яна йўлга отланди. Жазосиз қолган хатти-ҳаракатларидан илҳомланган «сайёҳ» бу гал чучварани хом санаганди. 2007 йил 21 мартда «Тошкент-Шаржа» йўналишидаги рейснинг паспорт назоратидан ўтаётганда унинг навбатдаги ноқонуний хориж сафари қариди. Яъни, «Тошкент аэропорт»и чегара назорат қисмининг зийрак ходимлари томонидан Э.Ортиқованинг фуқаролик паспортида ИИБ хорижга чиқишкириш бўлимининг четга чиқиш ҳуқуқини берувчи махсус белги рухсатномаси йўқлиги аниқланди.

Албатта, Э.Ортиқова каби «ноқонуний сайёҳ»ларга нисбатан қонунларимизда тегишли жазо белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси томонидан мунтазам равишда бу каби масалалар таҳлил қилиниб, жойлардаги ҳокимиятларга ахборотнома, ИИБга тақдимномалар киритилмоқда. Бундан кўзланган мақсад жойлардаги мутасадди ташкилотлар фуқароларимизнинг ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасидаги масъулиятни кучайтирсинлар, токи қонун устуворлиги жамиятимизда барқарор бўлсин.

Жорий йилнинг биринчи чорагида аёллар ўртасидаги ноқонуний хориж сафари каби жиноий ҳолатлар ўтган йилга нисбатан 12%га ошганлиги тегишли давлат органлари билан бир қаторда кенг жамоатчилик зиммасига янада масъулият юклайди.

Жойлардаги фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда милиция участка нозирларининг фаолияти ва касб масъулияти бу каби ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Олим МУСТАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт
прокуратурасининг бўлим
бошлиғи
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 5 майдан 18 май ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки пестицидга тааллуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 3 апрелдаги 25-сонли буйруғи.*

2007 йил 5 майда 1678-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 майдан кучга киради).

2. "Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 37, 01/12-18/08-сонли қарори.*

2007 йил 7 майда 1262-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 майдан кучга киради).

3. "Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 31 мартдаги 10/6-сонли қарори.*

2007 йил 8 майда 951-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

4. "Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 24, 51, 01/УзРТСБ-18/10-сонли қарори.*

2007 йил 8 майда 1679-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

5. "Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси тўғрисидаги Низомга қўшимча киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 апрелдаги 45-сонли буйруғи.*

2007 йил 17 майда 177-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 сентябрдан кучга киради).

6. "Ҳисоб-китобларни "Банк-Мижоз" дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 24 апрелдаги 12/4-сонли қарори.*

2007 йил 17 майда 497-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 майдан кучга киради).

7. "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 24 апрелдаги 12/3-сонли қарори.*

2007 йил 17 майда 1122-6-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 майдан кучга киради).

8. "Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 38, 2007-27-сонли қарори.*

2007 йил 17 майда 1680-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 майдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржаси (ЎзРМХАБ) орқали сотиш ва унинг учун "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишнинг вақтинчалик низом. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1267, 29.08.2003 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 8 майдаги 84-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 8 майда 1267-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг транспорт воситаларида ҳаракатланиш тартиби ва Халқаро автомобиль йўлларида йўл-патруль хизматини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 15, 19.01.1994 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 8 майдаги 85-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 8 майда 15-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва 1, 2, 3-сонли ўзгартиш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1100, 19.01.1994 й), (рўйхат рақами 1100-1, 28.02.2003 й), (рўйхат рақами 1100-2, 30.01.2004 й), (рўйхат рақами 1100-3, 08.02.2005 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 17 майдаги 89-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЭЪЛОН!

Навоий вилоят адлия бошқармаси Навоий шаҳар 2-сон давлат нотариал идора нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Навоий вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Мурожаат учун телефонлар: (8-436) 223-01-38, 223-95-90.

Turmush chorrahalarida

Оила фаровонлиги кафолати

Ўзбекистонда оилага юзаки муносабатда бўлиш даврдан қоралланган. Шариат қоидаларида оила мустаҳкамлиги, никоҳ бузилмаслиги таъминлаган бўлган. Турмуш барқарорлигига хизмат қилувчи ўзбекона анъаналар асрлар мобайнида сайқал топиб келган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён азалий анъаналаримизни ўзида мужассам этган кўпгина янги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 майдаги **"Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**, 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорларида ҳам оилавий муносабатлар ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланган. Олий Мажлис Сенатининг шу йил 29 мартдаги қарорига асосан, Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартириш киритилгани никоҳ муаммоларини ҳал қилишда янги қадам бўлди. Қарорга биноан, Кодекснинг 14-16-моддалари шартлари бузилганда, сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда иккинчиси судга мурожаат этса никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилади.

Бу қарорлар мамлакатимизда ҳар томонлама тўкин, барқарор оилалар сони ортишига, соғлом фарзандлар дунёга келишига йўл очади. Ҳозирда мамлакатимизда эр ва хотиннинг ёши 30 ва 26 дан ошмаган, беш йиллик никоҳдаги ёш оилалар миқдори 35 фоиздан ортиқ. Масалан, биргина Қўшкўпир туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимида ўтган йили 1317 жуфтлик оила ришталари билан боғланди. Шу вақт мобайнида 2873 нафар фарзанд туғилди. Ўтган йилнинг биринчи чорагида 323 та никоҳ қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилнинг шу чорагида 427 тага ошди. 2006 йилнинг айни шу даврида 527 нафар, 2007 йилнинг уч ойида эса 606 нафар чақалоқ туғилди. Яна бир ижобий далил: туманимизда никоҳни бекор қилиш ҳолати таборо камаймоқда. 2006 йил атиги 3 та шундай факт қайд этилган бўлса, жорий йилнинг шу давригача биронта ҳам никоҳ бекор қилингани йўқ.

"Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури", **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»**ги қарорлар оила ва турмушга нисбатан масъулиятни тубдан кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу директив ҳужжатларда белгиланган тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилганда оилалар иноқлиги ва мустаҳкамлиги тўла кафолатланади. Натижада айрим оилаларда беқарорликка сабаб бўлаётган масалалар, оталикни белгилаш ва ёлғиз оналар муаммоси ҳам ечимини топади.

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилаётганини туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир йил ичида оталикни белгилаш ҳоллари сезиларли даражада камайди. Яъни 2006 йилнинг биринчи чорагида 47 нафар, жорий йилнинг ўтган уч ойида эса 40 нафар болага нисбатан оталик белгиланди. Албатта, камчилик ва нуқсонлар ўз-ўзидан барҳам топмайди. Ота-боболаримизнинг оила, турмушга доир бой маънавий меросидан, тажрибаларидан ибрат олиб, ножоиз иллатларга қарши изчил курашиш лозим. Оилага доир қонунчилик меъёрларини, Президентимизнинг Фармон ва қарорларини ҳаётга татбиқ этган ҳолда, турмуш ва никоҳ мустаҳкамлиги мавзуидаги тарғибот ишларини кучайтириш керак.

Оила қанча мустаҳкам бўлса, турмуш ҳам шу қадар барқарорлашади. Шунда умрнинг бахтли ва файзли онлари, неъматлари барчага бирдай татийди. Шу нуқтаи назардан амалдаги қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва мустаҳкамлигини кафолатлайди.

Замира РАЖАБОВА,
Қўшкўпир тумани
ФҲДЁ бўлими мудири

Адвокат — оқловчи ким?

Фуқароларни қонунга ишонтирадиган, қонунга яқинлаштирадиган касб эгалари. «Адвокат» атамаси юнонча «ҳакам», «қўшилиб сўзловчи», лотинчада эса «табиатта мойил» маъноларини англатган. Қадимги Юнонистонда жамоалар орасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёж оқловчилик касби пайдо бўлишига сабаб бўлган. Энг қадимги адвокатлар авваллари судлов жараёнида қисқа изоҳлар, қисқа гувоҳликлар беришган. Сўнг бевосита иштирокчи ҳимоячига айланишган.

Huquqiy savodxonlik sari

Оқловчи — адолатни ёқловчи

Қадимги Рим даврига келибгина, махсус ҳуқуқий билимга эга бўлган инсонларгина адвокатлик қилишга ҳақли бўлишган.

Бундан 2000 йил муқаддам оқловчилик энг нуфузли мансаб ҳисобланган. Сенат қарорига биноан, Рим императори Клавдий томонидан адвокатларга 10.000 сестерсий маош тўланган. Ўша давр ҳисобида бу жуда катта бойлик ҳисобланган. Яна адвокатлар нотиқлик санъатини эгаллаши шарт бўлган. Антик даврнинг машҳур инсонларидан бири Демосфеннинг нотиқлик санъатини эгаллаши ҳақида тарихчилар шундай ёзади:

«Демосфеннинг нутқида, қоматида туғма нуқсон бўлган. У ҳайқириб ётган денгиз қояларига орқа қилиб тик турганча, соатлаб бор овози билан гапирган. Ирода билан жисми ва нутқидаги нуқсонни йўқота олган. Ўз нутқ санъати туфайли суд жараёнларида иштирок этиб, ғолиб чиққан. Ривожланган хорижий давлатларда адвокатлар ҳали-ҳануз ўз нуфузларини пасайтирганлари йўқ. Оммавий ахборот воситалари ва бадиий асарлар, кинофильмларини кузатиб, бунга яна бир бор иқрор бўлиш мумкин. Лекин шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, собиқ шўро тузуми даврида суд жараёнида адвокатларнинг мавқеи иккинчи ўринга тушиб қолди.

Ҳимоячи — «ҳакам билан жиноятчи ўртасидаги олдибердини пишитадиган даллол», қабилидаги гаплар ҳам ўша даврда пайдо бўлди. Шу тарзда адвокатлар ва ҳуқуқий маслаҳатхоналарнинг фуқаролар орасидаги обрў-эътиборига путур етди.

Ватанимиз мустақил бўлгач, давлатимиз олдидаги асосий вазифалардан бири — ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш эди. Бунинг учун эса адвокатура тизими ва унда фаолият кўрсатувчи адвокатлар марказий ўринни эгаллашларига шароит яратиб бериш лозим бўлди. Чунки мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги сиёсатини адвокатура тизимининг ёрдамисиз тасаввур қилиш қийин.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг адвокатура тизимига эътибор кучайтирилиб, адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеини оширишга йўналтирилган бир қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари, идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, адвокатура тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган адвокатлар бирлашиб, ўзларининг касбий бирлашмаси саналган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясини тузадилар. Бу эса ўз навбатида адвокатларнинг кооператив бирлигини таъминлаш, касбий ҳимоясини кучайтириш ва адвокатларнинг малакасини ошириш имкониятини кучайтиришга олиб келди.

Адвокатлар учун фойдаланишга тақдим қилинаётган **«Адвокатурага оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тўплами»**да адвокатура институтига бевосита таллуқли бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар жамланган.

Мазкур тўпламда соҳага оид қонунлар, Конституциявий суднинг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия, Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда қабул қилинган Йўриқнома, Низом ва қарорлар мавжуд. Шунингдек, тўпламда Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг биргаликда қабул қилган Низом ва қарорлари ҳам жой олган.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонунга асосан адвокатура ўз фаолиятини қонуннинг устунлиги принциплари асосида амалга оширади. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишига ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидирлар.

Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Адвокат ўз касбий вазифасини бажараётганда, унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунда белгиланишича, **адвокатлик фаолияти билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар шуғулланишга ҳақлидир.**

Ер юзида ҳаёт мавжуд экан, инсонлар ҳар хил қарама-қаршиликларга дуч келиши, билиб-билмай хатоликларга йўл қўйиши ёки кимнингдир ҳимоясига муҳтож бўлиши мумкин.

...Инсон қачонки ҳақсизликка учраса, қадди эгилиб яшаса, бу жамият руҳиятида акс этади. Токи, ҳар бир инсон қонуний ҳужжатлар, қонунга оид атамалар, қонунни ҳаракатга келтирувчи идораларни ўзидан ташқарида, деб ҳисоблامасин. Ўзини шу жамият, шу фаолиятнинг бир қисми деб қарасин.

Светлана ЖЎРАЕВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими,
Гулсум ШОДИЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Халқимизнинг миллий ўзига хослигини ҳар томонлама ўзида мужассамлаштирган маҳалла институти истиқлол шарофати билан янада мукаммаллашди, бойиди, турмуш тарзимизнинг миллий, бетакрор, ўзига хос академиясига айланди.

Xotira muqaddas

Эзгу қадриятлар

Айниқса, Ҳукуматимиз томонидан маҳалла қўмиталарига ўзиниўзи бошқариш вазифаси юклатилиши, маҳалла қўмитаси раисларига алоҳида маош тайинланиши, маҳалла фаолларининг моддий жиҳатдан рағбатлантирилиши мазкур тизим фаолиятини янада жонлантирди, такомиллаштирди. Эндиликда мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни беқиёс. Жойлардаги маданий-маърифий тадбирлар, тўй-ҳашамлардан тортиб мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда ҳам маҳалла фаоллари бош-қош бўлмоқдалар. Биргина халқимиз ўзгача эҳтиром билан нишонлаган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мисолида қуйи бошқарув тизимларида амалга оширилган хайрли ва эзгу ишларни сарҳисоб қилиб кўрайлик.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги ПФ-3873-сонли «Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан маҳаллалардаги барча уруш ва фронт орти меҳнат фахрийларини моддий рағбатлантириш масқадида ҳар бир фахрийга эллик минг сўм миқдорида пул маблағи тарқатилди. Шунингдек, пойтахтимизнинг барча маҳаллаларида мазкур сана муносабати билан байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Шуни айтиш керакки, уруш ва меҳнат фахрийлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришдек эзгу ишларда маҳалла фаоллари билан бир сафда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ходимлари ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Чунончи, Ҳамза туманидаги «Само» кафесида туман маҳалла фаоллари ва «Маҳалла» жамғармаси ходимлари бошчилигида «Хотира-муқаддас, қадрлаш-бурчимиз» номли байрам тадбири ўтказилди. Барча иштирокчиларга манзур бўлган мазкур тадбирни ўтказиш ва фахрийларни мукофотлаш учун 12.060.000 сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги «Оқилон», «Ҳувайдо», «Коҳота», «Бойкўча», «Ўкчи», «Илғор», «Гулобод», «Белтепа» маҳаллаларида ҳам уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эҳтром кўрсатилиб, мукофотлар ва ҳомийлар томонидан совғалар тақдим этилди. Юнусобод туманидаги «Оқибат», «Адолат», «Аҳилобод» маҳаллаларида, Яккасарой туманидаги «Қушбеги», «Тепа», «Ракат», «Бобур», «А.Қаҳҳор» маҳаллаларида ҳам уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари моддий рағбатлантирилиб, алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, эзгу қадриятларимизнинг олий намунаси — маҳалла бугунги кунда том маънодаги қуйи бошқарув тизимига айланди. Келгусида унинг бу нуфузи янада ортиб бораверади.

Бобур ЎТАМУРОДОВ,
ЎзМУ магистри

Farmon va ijro

Аёлга эътибор — тараққиёт омили

Жорий йилнинг март ойида Адлия вазирлиги ҳайъатининг Республика Ҳукумати, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги тармоқ раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги йиғилишида Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент давлат юридик институтида ўтган нуфузли илмий-амалий анжуманда ҳам Гендер тенглиги, яъни хотин-қизларга жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун зарур имкониятлар яратиш масалалари муҳокама этилганди. Мазкур тадбирлар давлатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор берилаётганининг тасдиғидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин, аёлни, онани улуғловчи миллий ва диний анъаналаримиз тўла тикланди, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган, миллат генофондини мустаҳкамловчи омилларга эътибор кучайди. Президентимизнинг ташаббуси билан Давлат томонидан хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг аниқ механизми жорий этилди. Чунончи, Меҳнат кодексининг 6-моддасида фуқароларни жинсига қараб меҳнатга оид муносабатларда чеклаш ёки имтиёз белгилашга йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Дарҳақиқат, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1952 йил декабрда қабул қилинган **«Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»**ги Конвенция, 1967 йил ноябрда қабул қилинган **«Аёлларга нисбатан камситишларнинг бартараф этилиши тўғрисида»**ги Декларацияда сиёсий ҳаётда аёлларнинг эркаклар билан тенг иштирок этиш, эркин меҳнат қилиш ва бошқа ҳуқуқлари кафолатланиши эътироф этилган.

Мамлакатимизда амалга оширилган туб ислоҳотлар туфайли аёлларга жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўз ҳуқуқларини қўлга олишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, ҳокимият идораларидаги ижтимоий соҳани қамраб олган тармоқларга аёллар раҳбарлик қилишаётир. Бу, ўз навбатида, аёл раҳбарлар нуфузининг ошишига омил замин яратмоқда.

Сир эмаски, ҳатто тараққий этган мамлакатларнинг хусусий секторида ҳам аёллар меҳнати билан боғлиқ муаммолар кўп. Хотин-қизларнинг оғир меҳнат билан шуғулланишга, айниқса, болали аёлларнинг кун бўйи ишда бўлишига, хизмат сафарларига боришига, табиийки, имконияти бўлмайди. Қолаверса, қонунчиликда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси **Меҳнат Кодексидаги шароити ноқулай ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг тақиқланиши (225-модда), ҳомиладор, болали аёлларни енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи ишга ўтказиш (226-227-моддалар), аёлларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш (229-модда), туғиш ва бола парваришлаш учун таътил бериш (234-модда) каби қоидалар** хусусий корхона эгаларининг аёлларга нисбатан эркакларни ишга олишни афзал кўришга сабаб бўлади. Мамлакатимизда бу масалада ҳам аёллар давлатимиз ҳимоясидадир. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони айниқса, кўп болали аёллар учун айни муддао бўлди. Ҳозирда минглаб аёллар фарзанд тарбиясидан ажрамаган ҳолда, оила бағрида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, даромад олмоқдалар. Бу тадбирнинг енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларидагина эмас, балки машинасозлик, электроника ва маиший жиҳозларни ишлаб чиқиш соҳаларида ҳам кенг ёйилаётгани таҳсинга сазовордир. Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 майдаги **«Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкини таъсис этиш тўғрисида»**ги Фармони ҳам аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги иштирокида қўшимча имкониятлар яратди.

Адлия вазирлиги ҳайъат йиғилишида уйда ўтирган аёлларни меҳнатга, фаол турмуш тарзига жалб этишда қўл келаётган касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланиш туфайли 262 мингга яқин иш ўрни яратилгани, бу учун тижорат банклари томонидан 49 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилгани таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, уларнинг ўз орзу-истакларини рўёбга чиқариш масалаларига эътибор йил сайин ортиб, уларнинг жамиятнинг фаол аъзоси бўлишлари учун барча имкониятлар яратилган ва бу жараён қизғин давом этаётир.

Дилноза ДЕҲҚОНОВА,
Адлия вазирлиги ходими

Jinoyat va jazo

Суддаги қотиллик

Суд очерки

Бу машъум воқеа кўпа-кундузи Навоий шаҳрида содир бўлди. Суд биносида эшитилган даҳшатли ўқ овози барчани ларзага солди. Бир зумда бир эмас, икки аёлнинг юз-кўзи қон-қора қонга бўялди. Энг даҳшатлиси, бу мудҳиш фожиа туфайли икки она ҳаёт билан видолашди. Хўш, икки аёлнинг умрига зомин бўлган, йўлини тўсган милиционернинг қаршилигига қарамай осмонга учинчи ўқни узганча суд биносидан чиқиб кеттан қотил ким? У террорчими ёки хавфли жиноятчими?! Минг афсуски, қўли қонга боттан ваҳший қотил марҳумларга бегона эмас, бирининг турмуш ўртоғи, иккинчисининг куёви.

Наҳотки, инсон боласи ўз оиласига нисбатан шу қадар ваҳшийлик қилиши, болаларининг онасига қарата ўқ узиши мумкин бўлса, деган савол кишини баттар даҳшатга солади.

Оила-муқаддас даргоҳ. Тўғри, бу даргоҳнинг ҳам қувончу ташвишлари, ўзига яраша пасту баландлиги, озорлари бор.

Воҳид ва Дилнавоз ҳам яхши ниятлар билан оила қурганди. Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари билан умр кечираётган бу оилада четдан қараганда гўёки ҳамма нарса: бошпана, бир рўзғорга етарли жиҳоз-анжомлар, энг муҳими, оила риштасини мустаҳкамлайдиган тенгсиз бойликлари — 2 нафар фарзандлари бор эди. Одатда оилада келишмовчиликлар, жанжаллар жиддий тус олса, эркаклар ажралишни рўкач қилиб, аёлларини инсофга келтирмоқчи, қўрқитиб қўймоқчи бўлишади. Бу оила можароси шу қадар жиддий эканки, никоҳни бекор қилишни сўраб судга оила бошлиғи эмас, оила бекаси мурожаат қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судида судья Ф.Солиева томонидан мазкур иш кўриб чиқилган. Ўша мудҳиш кун суд залида никоҳни бекор қилиш можаросига якун ясалиб, эр-хотинга ярашиш учун яна бир имкон – 3 ой муҳлат берилганлиги эълон қилингач, барча ёш эр-хотинга инсофу иймон тилаб суд залини тарк этди. Бироқ бир неча дақиқалардан сўнг ҳали ҳам ярашиш, фарзандлари билан бахтиёр яшаш имкони бор бу оиланинг тақдири бу қадар даҳшатли якун топиши, барбод бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди...

Бироқ ҳеч кутилмаганда отилган ўқ еру кўкни титратиб юборди.

Воҳид Худойназаров асли каттақўрғонлик, бир неча йилдан буён Навоий шаҳрида истиқомат қилади. 1999 йилдан буён Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, йўл патруль хизмати алоҳида отряд 1-сафарбарлик гуруҳи инспектори лавозимида хизмат қилиб келган.

Фожиа содир бўлган ўша 26 сентябрь куни ҳам у ҳар доимгидек, йўл хавфсизлик хизмати йўриқномасидан ўтиб хизмат қуролини қабул қилиб олиб, хизматини ўташ учун Кармана тумани автошоҳбекатига боради.

Соат 10 ларда раҳбарларини огоҳлантирмасдан, хизмат постини ташлаб, Кармана туманлараро судида турмуш ўртоғининг ўрталаридаги никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъвоси бўйича жавобгар тарифасида судда иштирок этади. Суд мажлиси тугагач, суд биносида турмуш ўртоғи Д.Худойназарова ва қайнонаси О.Камолова билан тортишиб, жанжаллашиш оқибатида, ўқ отар қуролидан шахсий манфаати йўлида фойдаланиб, қайнонасининг юзига, турмуш ўртоғининг пешонасига ўқ отади. Қайнона воқеа жойида, хотини эса касалхонада вафот этади.

Бу даҳшатли воқеанинг асл сабаби нимада эканлиги тўғрисида ҳуда-беҳуда гаплар, турли тахминлар кўпайиб кетди.

Аммо ҳар қандай тахмину, гумонлар, баҳонаю сабаблар юрт осойишталигини сақлаш, халқимиз хавфсизлигини таъминлаш учун унга топширилган қурол билан ўз фарзандларининг онасини, унга қўшиб 60 ёшли қайнонасини отиб ташлаган кимсани кечиришга имкон туғдирмайди. Лекин кишини бир нарса ўйга толдиради. Бу фожианинг олдини олиш мумкин эди. Қачонки, фарзандлари бўла туриб, эр-хотин оила қўрғонини бузишга чоғланмаганларида, жаҳлнинг қулига айланмаганларида, гап деган ўткир тиғнинг домига тушмаганида, иродасизлик устун келмаганида...

Ҳаётнинг ўзига яраша синовлари бор. Мураккаб довонлари бор. Ажралишга чоғланганларни бу йўлдан қайтариш ўрнига оила можаролари оловига керосин сепиб, уни ажал гулханига айлантирган «Маслаҳатчи қариндошлар» – опа-сингиллар ўз хатоларини англаб етдимикин?

Тўғри, ҳеч ким синглиси ёки опаси бахтсиз бўлсин, ҳаётда қийналсин, озор чексин, демайди. Аммо баъзан ўз ҳаракатлари, маслаҳатлари билан ана шу бахтдан ўз қадрдонларини узоқлаштираётганларини англаб етмайдилар.

Бундай хулоса чиқаришимизга Худойназаровлар оиласи, яшаган Спутник қўрғони 6-уй вакили Ҳаловат Маҳмудованинг фикрлари сабаб бўлди.

— Ушбу кўп қаватли уйда 20 йилдан буён истиқомат қиламан,— дейди Ҳ.Маҳмудова. — Бу оилани 8 йилдан бери яхши биламан. Икки ўғли, бири 4 ёшда, иккинчиси 6 ёшда кўз ўнгимда ўсди. 3 хонали хонадонда яшашарди. Дилнавоз ҳеч қаерда ишламасди, болалари билан кўчадаги скамейкада кўп суҳбатлашиб ўтирарди.

— Эр-хотин уришиб қолиб, Дилнавоз онасиникига кетиб қолган кезларида, бир куни уни олиб келиш, эри билан яраштириш учун борганимизда у келмаганлигига, охирги марта август ойида опаси Г. Каримова билан унинг ўзи боласи касаллигини эшитиб уйига келганлигига гувоҳман. Ушанда Дилнавознинг қолишга кўнгли бўлса-да, опаси, онам қайтиб келинглар, деб тайинлаганлар, дея уни олиб кетганлиги кечагидек кўз олдимда турибди.

Бу оила шаҳардаги «Бунёдкор» маҳалласи худудида яшаганлиги учун маҳалла оқсоқоли Бозорқул Рўзиқуловдан маҳалладошларнинг қандай яшаётганлиги, оилалар тинчлиги, осойишталиги, бу фожианинг илдизи қаерда эканлиги тўғрисида сўрадик.

— Воҳид Худойназаров бир куни маҳаллага маълумотнома сўраб кирганда ўзим оилавий можаролардан гап очдим. Гарчи «Эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши» деган мақол бор, бировнинг оиласига аралашиш одобдан эмас-у, бироқ болаларингиз бор, келинглар, яраштирайлик» дедим. Майли, ёрдам берсангиз яхши бўларди, деб бизга ариза берди. Аризани олиб маҳалламиз посбони Эркин Турдиев билан Воҳиднинг онасини олиб, Д.Худойназарованинг онаси уйига бордик. Дилнавоздан олдин онаси «Ўртага тушиб овора бўлманглар, буларнинг ишини фақат суд ҳал қилади», деб масалага узил-кесил нуқта қўйди. Қайнона қизи билан куёвининг ярашишини хоҳламасмиди ёки бу оиладаги уриш-жанжаллар тугашига кўзи етмасмиди, қизининг ҳаёти изига тушиб кетишига ишонмасмиди? Ушанда ҳар қалай, иш битмай, ортга қайтгандик. Суриштирувлар жараёнида қайнонанинг куёвидан арз қилиб у ишлаган идораларга шикоят қилиб, борганлигини инобатга оладиган бўлсак, масаланинг янада жиддийлашганини кўрамиз.

Болаларнинг тақдири энди нима бўлади, деган савол кўпчиликни қийнаётганлиги аниқ. В. Худойназаровнинг фарзандлари бугун Воҳиднинг онаси қўлида. Меҳрга зор болалар 26 ёшли меҳрибон онаси ва бувисини шафқатсизларча отиб ўлдирган, мурғак болаликларини ҳам ота, ҳам она меҳридан мосуво этган отасини 20 йиллик жазодан сўнг кечирармикин? Бу оддий оилавий жанжалнинг бу қадар мудҳиш фожиага айланишининг олдини ололмаганларнинг дилидан нима кечяпти?

Энди бу пушаймонлардан, бу саволлардан фойда йўқ. Фақат, қолганларга бу воқеа сабоқ бўлсин.

Аслида, бу оилани нима барбод қилди, қандай иллат икки умрга зомин бўлди? Суд мажлисида қўни-қўшнилар, маҳалла-қўйнинг фикр-мулоҳазаларидан аён бўлгани, мана булар: Эрнинг зулмларига қарата хотиннинг, қариндошларининг кўтарган «исёни», арзимаган, майда-чуйда масалаларда гап талашиб, «мен сендан камманми» қабилида иш тутиш, «қизим ердан чиқмаган», «жигаримизни хўрлатиб қўймаймиз», қабилида турли фиску фасод гаплар... Инсонийлик қиёфасини йўқотган В.Худойназаров жиноятига яраша жазо олди. Бироқ минг афсуски, кетганларни қайтариб, икки норасида гўдакнинг чил-чил синган кўнглини бутлаб бўлмайди.

Неъмат АКБАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича,
Навоий вилояти суди судьяси,
Маруса ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЭЪЛОН!

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан Наманган туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Джураева Манзура Холиқжоновнага 1997 йил 3 ноябрда берилган NA 000026 рақамли нотарил фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 3 (уч) ой муддатга тўхтатилганлиги МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ.

* * *

Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан Навоий шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Рахмонов Юлдош Худойқуловичга 2003 йил 22 августда берилган NV 000045 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати тугатилганлигини МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ.

* * *

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги Адвокатура бўйича малака комиссиясининг қарорига асосан 1999 йил 12 февралда Болтаев Қаҳрамон Комиловичга берилган SU 000091 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси малака комиссиясининг 2007 йил 14 апрелдаги 3-сонли қарори билан бекор қилинганлигини МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир ўринбосари: Бобомурод РАЙИМОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Ахмедов Абдуҳалим Абдураимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Содиқов Ҳуршид Махмасиддиқович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Дилфуза РАҲИМБЕКОВА
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-415. Тиражи — 4098.
Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5